Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2012 йил
21 апрель
ШАНБА

№ 31
(12.459)

1928 йил 11 декабрда асос солинган | Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси | www.th.uz

ҚИШЛОҚ МУЛКДОРЛАРИ

ЭНДИ НАВБАТ ҚАЙТА ИШЛАШ КОРХОНАСИГА

дейди Бўка туманидаги "Ёқутхон-Саид" фермер хўжалиги раҳбари Саидислом Сайдиллаев

Тасаввур қилинг: кенг дала ўртасида ўқдек равон, текис йўл. Унинг икки бетидаги сафга тизилган аскар мисол адл дарахтлар кўм-кўк бўлиб яшнаб турибди. Атрофга завқ ва ҳайрат билан боқиб, олға юраверсангиз, турфа гуллар барқ урган гулзордан чиқасиз. Бир томонда ёғ тушса, ялагудек покиза ошхона. Бир ёнда қатор дам олиш хоналари, Душхонагача бор, албатта. Ҳаммаси бугуннинг талаби даражасида қурилиб, дид билан сайқал берилган. Ортиқча таърифга ҳожат йўқ. Кун қизиғи ва ишдан ҳоли вақтларда салқинлаб, ҳордиқ чиқариш учун ҳамма шароит бор.

Бу – "Ёқутхон-Саид"нинг дала шийпони. Фермерни шу ерда учратиб, суҳбатлашдик. Буёғини унинг ўзидан эшитасиз.

– Бир пайтлар собиқ "Бўстон" совхозида чилангарлик қилганман. Ишни техника билан ўралашишдан бошлаганим кейинги ҳаёт йўлимни белгилаб берди десам, янглишмайман. Ўшандаёқ муҳандислик билан боғлиқ олий маълумотли мутахассис бўлиш нияти туғилганди. Имкон топиб, Тошкент политехника институтида иқтисодчи-муҳандис мутахассислиги бўйича сиртдан ўқидим. Битиришим биланоқ, ўзим чилангарлик қилган хўжаликка муҳандис лавозимига кўтаришди. 2002 йилга келиб, "Хўжақўрғон" ширкат хўжалигига раис этиб тайинлашди.

Гапни узоқдан бошлашимнинг боиси – чилангарликдан тортиб, муҳандислигу раислик менинг дорилфунуним бўлди. Совхозу колхозлар аллақачон тугаб, ширкат хўжаликлари ҳам "сўнгги нафас"ларини олаётган пайтда энди росмана фермер бўлиш тажрибасига эгаман, деган хулосага келдим. Шундай қилиб, 2006 йили 92 гектар ерни қонуний расмийлаштириб олиб, фермерликни бошладим. Мана, олти йилдан буёғига ерларимиз кенгайиб, 150 гектарга етди. Муҳими – 54 ҳамқишлоғимни ҳам муқим ишли қилдим.

– Юқорида "чилангарлик, муҳандислик, раислик менинг дорилфунуним бўлди" дедингиз. Шу фикрингизни аниқроқ изоҳласангиз.

– Деҳқончиликка ихтисослашган, айниқса, кўпроқ пахта етиштирадиган фермер ўз техникасига эга бўлмаса, қийналиб кетишини чилангарлик пайтимдаёқ фаҳмлагандим. Муҳандислик ва раислик пайтимда техниканинг қадрини ўз бошимда синадим. Шулар сабоқ бўлиб, фермерликнинг дастлабки йилиданоқ ўзимизнинг техника паркимизга эга бўлишга ҳаракат қилдим. Ҳозир битта БТ-150 ҳайдов, иккита "Беларусь" МТЗ-80 ишлов бериш, битта "Беларусь" МТЗ-80 транспорт ва яна битта ОВХ осишга мослаштирилган "Беларусь" МТЗ-80 тракторимиз бор. Ҳаммасини лизинг йўли билан харид қилгандик. Қарзларимиздан аллақачон узилганмиз. Энди кредитга олган "Нью Холанд" дон комбайнимиздан озгина қарзимиз қолди. Ҳадемай, ундан ҳам қутуламиз. Буёғини сўрасангиз, техникаларимизнинг қўшни фермерларга ҳам ёрдами тегаяпти. Текингамас, албатта.

– Демак, хўжалик яхши даромад олаётган экан-да?

– Нолимаймиз. Тасаввур ҳосил қилишингиз учун битта мисол келтираман: ўтган йилни 50 миллион сўмдан кўпроқ соф фойда билан якунладик.

Лекин, шахсий техника паркини бутлаш учун фермер хўжалигининг ўзи топаётган даромад ҳозирча озлик қилади. Шуни ҳисобга олиб, Юртбошимиз, ҳукуматимиз биз, фермерларга керакли имтиёзу имкониятларни яратиб беришяпти. Ҳозир ҳамма тижорат банклари бизга камарбаста. Фақат фермер иккиланмай, чўчимай, дадил ҳаракат қилса бас, истаганига эришади.

– Дарвоқе, фермер ҳеч қачон эришгани билан қаноатланиб қолмай, доимо олға интилиши, фаолиятини кенгайтириб бориши керак.

– Шундай. Тўйдан олдин ноғора чалишни ёқтирмайман. Негаки, бу деҳқончиликка тўғри келмайдиган қалтис иш. Шундай бўлсада, орзу-нияти йўқ одамнинг ўзи йўқ. Ҳозир мавриди келгани учун кўпдан бери мўлжаллаб юрган ниятимни айтмоқчиман. Чорвачиликни йўлга қўйиб, жиддий шуғулланмоқчиман. Кейин навбат қайта ишлаш корхоналарига келади. Ўзимиз етиштирадиган сут ва гўштни тайёр истеъмол маҳсулотларига айлантириб, талабгорларни таъминласак дейман. Бунинг қийин жой йўқ, ҳозир ҳамма имкониятлар бор, фойдаланиб қолиш керак.

Самад ЙЎЛДОШ.

СУРАТДА: фермер Саидислом Сайдиллаев (чапда) ва иш юритувчи Саидраҳим Қорабоев.

Собир ЗУФАРОВ олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

9 май умумхалқ байрами – Хотира ва қадрлаш куни ўтказилиши, шунингдек, 1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 67 йиллиги нишонланиши муносабати билан ҳамда уруш қатнашчилари ва ногиронларини моддий рағбатлантириш мақсадида:

1. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига 400 000 (тўрт юз минг) сўм миқдорида бир марталик пул мукофоти белгилансин.

2. Мазкур Фармонни бажариш билан боғлиқ сарф-харажатлар республика бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ва Марказий банки Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига ушбу пул мукофотининг тантанали ва байрамона вазиятда топширилишини таъминласин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Бадиий академия, Хотин-қизлар қўмитаси, Республика Маънавият тарғибот маркази, "Нуроний" ва "Маҳалла" жамғармалари, бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда Ватанимиз озодлиги ва шаъну шарафи ҳимоячиларига бағишланган махсус учрашувлар ва маърифий-бадиий кечалар ўтказсин.

5. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 2012 йил 18 апрель.

Тошкентда бўлиб ўтган анжуманда "Ўзбеккино" Миллий агентлиги бош директори А. Исҳоқов, Туркманистоннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси С. Пирмуҳамедов мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар барча соҳаларда бўлгани каби маданий-гуманитар йўналишда ҳам изчил ривожланиб бораётганини, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

ТУРКМАНИСТОН КИНОСИ КУНЛАРИ

Маданий-гуманитар ҳамкорлигимизни ривожлантиришда халқларимиз ўртасидаги маънавий яқинлик, анъанавий дўстлик ришталари муҳим аҳамият касб этаётир.

Мазкур кино анжумани Маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлик дастури доирасида "Ўзбеккино" Миллий агентлиги ҳамда Туркманистоннинг мамлакатимиздаги элчихонаси ҳамкорлигида ўтказилмоқда.

Туркманистон киноси кунлари дастури ранг-баранг тадбирларга бой. Фильмлар намойишидан ташқари икки мамлакат кино ижодкорларининг ўзаро фикр ва тажриба алмашиши, ижодий учрашувлар, туркманистонлик меҳмонларнинг юртимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари, қадимий ва навқирон шаҳарлар билан танишиши ҳам кўзда тутилган. Жумладан, Тошкент вилоятининг Оққўрғон тумани ҳамда Бухоро шаҳрида кино мухлислари билан ижодий учрашувлар, туркман фильмлари намойиши ташкил этилади.

Анжуман давомида туркманистонлик кино усталар томонидан яратилган "Беллашув", "Ўғил", "Сомон йўли", "Тушда ва ўнгда", "Тақдир йўлларида" каби бадиий фильмлар намойиш этилади. Дастурдан ўрин олган "Туркман гиламлари", "Менинг қушим – лочин", "Нақш" каби ҳужжатли фильмларда туркман халқининг қадриятлари, заргарлик, гиламдўзлик, овчилик бобидаги анъаналари акс эттирилган.

Нодира МАНЗУРОВА, ЎзА.

ЗАМОНАВИЙ ШАРҚ АЁЛИ

Вилоят давлат педагогика институтида "Мустаҳкам оилада замонавий шарқ аёлининг ўрни" деб номланган тадбир бўлиб ўтди.

"Камолот" ЁИҲ ҳамда институтнинг хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда устозмураббийлар, талаба-ёшлар иштирок этди. Унда оила муқаддас даргоҳ эканлиги, миллий ва маънавий қадриятлар бешиги ҳисобланиши алоҳида таъкидланди.

Тадбирда намойиш этилган саҳна кўринишларида эрта турмуш қуришнинг салбий оқибатлари, ҳар хил туғма касалликлар билан дунёга келаётган болалар муаммолари атрофлича акс эттирилди. Оилада ёшларнинг бир-бирларини тушунмасликлари оқибатида содир бўлаётган келишмовчиликлар, келин билан қайнона орасидаги муаммолар, ажрашишларнинг олдини олиш масалалари ҳам саҳна кўринишлари орқали моҳирона очиб берилди.

"Туркистон-пресс".

ТАДБИРКОРЛИК МУСТАҲКАМ ОИЛА ПОЙДЕВОРИ

Пойтахтдаги Банклар Ассоциациясида "Тадбиркорлик – мустаҳкам оила пойдевори" мавзуида анжуман бўлиб ўтди. Унда Республика Марказий банки, Бош прокуратура, Хотин-қизлар қўмитаси, "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази, "Камолот" ЁИҲ, Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вакиллари ҳамда тижорат банклари ходимлари иштирок этди.

Тадбирда мамлакатимизда оилалар мустаҳкамлигини таъминлашда кичик бизнеснинг аҳамияти, тадбиркорликни ривожлантириш учун яратилган имтиёзлар, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини бизнесга жалб этиш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

Шунингдек, мамлакатимизда янги иш ўринларини яратиш, ёшларни тадбиркорликка кенг жалб қилишда банк кредитларининг аҳамиятини янада ошириш бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди. Тижорат банклари томонидан касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ва тадбиркор аёлларнинг энг яхши деб топилган лойиҳаларига имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди.

Бобомурод ИБРАГИМОВ, "Туркистон-пресс".

«ЛОНДОН – 2012»

ЛОНДОН ОЛИМПИАДАСИГА БАҒИШЛАНДИ

2012 йилги спорт мавсумининг энг нуфузли тадбири – Лондон шаҳрида бўлиб ўтадиган XXX ёзги Олимпия ўйинларининг бошланишига саноқли кунлар қолди. Шу муносабат билан Буюк Британиянинг мамлакатимиздаги элчихонасида Ўзбекистон олимпия терма жамоасининг мазкур спорт анжуманида муваффақиятли иштирок этишига бағишланган учрашув бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизнинг тегишли вазирлик ва идоралари, спортчилар, Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус, халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси раиси Малик Бобоев, Буюк Британиянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Руперт Жой Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида спортни ривожлантиришга қаратилаётган улкан эътибор ва ғамхўрлик юксак самаралар бераётганини, спортчиларимизнинг нуфузли халқаро мусобақаларда, жумладан, Олимпия ўйинларида эришаётган ютуқларида ўз ифодасини топаётганини алоҳида таъкидлади. Хусусан, Ўзбекистон спортчилари мустақиллик йилларида Атланта, Сидней, Афина ва Пекин Олимпиадаларида кўплаб медалларни қўлга киритдилар.

Ўзбекистон спортчилари Лондон Олимпиадасида ҳам юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиш учун қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 5 январда қабул қилган "Ўзбекистон Республикаси спортчиларининг 2012 йил Лондон шаҳри (Буюк Британия)да бўлиб ўтадиган XXX ёзги Олимпиада ва XIV Паралимпиада ўйинларида иштирок этишга тайёргарлиги тўғрисида"ги қарори бу борада муҳим омил бўлмоқда. Мазкур ҳужжатга мувофиқ, спортчиларимизнинг замонавий меъёрлар асосида ўқув-машғулот йиғинларини ўтказиши, тажриба ва маҳоратини ошириши, халқаро мусобақаларда муносиб иштирок этиши учун барча қулай шарт-шароитлар яратилган.

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлигидан маълум қилишларича, бугунги кунда спортчиларимиз бокс, велоспорт, байдарка ва каноэда эшкак эшиш, дзюдо, бадиий гимнастика, спорт гимнастикаси, таэквондо WTF, енгил атлетика, эркин ва юнон-рум кураши, оғир атлетика ва сузиш каби спорт турлари бўйича XXX ёзги Олимпия ўйинларига йўлланмаларни қўлга киритган. Қатор спорт турлари бўйича саралаш мусобақалари давом этмоқда.

Тадбирда Лондон шаҳрида XXX ёзги Олимпия ўйинларига тайёргарлик доирасида амалга оширилган кенг кўламли ишлар, спортчилар ва мухлислар учун яратилган шарт-шароит тўғрисида маълумот берилди.

ЎзА.

ИЖРО ИНТИЗОМИ РАҲБАРГА БОҒЛИҚМИ?

Ташкилот фаолиятининг самараси аввало, берилган топшириқлар ижросини таъминлаш билан боғлиқ. Бу бир томондан раҳбарнинг тўғри қарорлар қабул қилиши орқали ходимлар фаолиятини самарали ташкил этишдан иборат бўлса, иккинчи томондан ходимларнинг ўз-ўзини бошқариши тўғри йўлга қўйилганлиги билан боғлиқ.

Албатта, бу жараён қабул қилинган қарорлар раҳбар ва ходимлар томонидан мутаносибликда бажарилишига бориб тақалади. Чунки, ижро интизомини мустаҳкамлашда нафақат ходимларнинг топшириқларни шунчаки бажариш, балки раҳбарнинг қарор қабул қилиш маданияти, ишни ташкил этиш маҳорати алоҳида аҳамият касб этади. Агар индивидуал қадриятлар ташкилот қадриятларидан келиб чиқадиган низога киришадиган хатти-ҳаракатни юзага келтирса, бу ҳолда улар ташкилотнинг фаолиятига халақит беради. Ташкилот ўз қадриятларини ифодалашга олиб келадиган хулқ-атворни қўллаб-қувватлайди ёки рағбатлантиради, бу қадриятлар билан низога киришадиган хулқ-атворни жазолайди. Рағбатлантирувчи омил – бу ўз қарорларини қабул қилишда ходимни ташкилот қадриятларини ҳисобга олишга ундовчи ўзига хос чақириқдир.

Бундай рағбатлантирувчи омилларга эътиборга олиниш, тақдирланиш, ўзи хоҳлаётган иш шароити, масалан, тинч шароит ёки алоҳида хона, ўз маҳоратидан ғурурланиш, катта ва муҳим ҳодисаларга алоқадорлик ҳисси ва ўз қобилиятларини тўлиқ рўёбга чиқариш сингари ҳолатларни киритиш мумкин. Албатта, ходим ташкилотнинг бошқа аъзолари "қонуний асосда" кўрсатадиган таъсирларни идрок этишга мойил бўлади. Бу мулоқот маслаҳатлар бериш, ўқитиш шаклида кўзга ташланади. Кўп ҳолларда мулоқотнинг бу ранг-баранг шакллари ходимни ташкилот таъсирининг шаклланган муҳити ичига олиб кириш мақсадида ташкил қилиниши мумкин. Одатда ходим ўз олдига қўйилган масалаларни ҳал қилар экан, у нафақат ташкилот томонидан берилган топшириқларни бажаради, балки ушбу мақсадларни амалга ошириш усулларини мустақил излаб топишга ҳаракат қилиб, у ёки бу даражада ташаббус кўрсатади. Агар раҳбар ходимларни изчил йўналтириб турса, улар ҳар бир топшириқни бажаргандан кейин янги кўрсатмаларни кутиб турсалар, бундай ҳолатда ходимларнинг асосий фикрлари ва уринишларининг жуда кам қисми ишга солинади. Ташкилот вазифаларини бажаришни таъминлайдиган энергия ташкилот мақсадлари йўлида фаол ишлаётган ходимларнинг ўз хоҳишларига кўра ажратиладиган улушларидан иборат бўлиши керак. Шунинг учун ҳам юксак ахлоқий руҳ деганда ходимларнинг ҳақиқатан ташкилот мақсадларини амалга оширишда фаол иштирок этиш ва унга ўзининг барча энергиясини бериш хоҳиши тушунилади. Шундай экан, раҳбарнинг ташкилот ишини ташкил этишдаги асосий эътибори ходимларда ўз хоҳишига кўра вазифаларни бажаришга интилишини шакллантиришга қаратилган бўлиши лозим.

Ҳар бир ходим ташкилотга кирар экан, жамоа унга ўзига хос таъсир кўрсатади. Бу таъсир ўз навбатида ходимнинг хулқ-атвори намоён бўлишига, унинг қарорлар қабул қилишига, турли хил шароитларда бирон-бир танловни амалга оширишига сезиларли таъсир кўрсатади. Раҳбарнинг ташкилотда содир бўладиган бу сингари руҳий ўзгаришлар эҳтимолини билиши ҳар бир ходимнинг ўз хизмат вазифаларига бўлган муносабатини пайқашига ва натижада ходимга тўғри таъсир кўрсата олишига ёрдам беради. Бундай ўзаро тушунилган муносабатлар пировард натижада ҳам ходимнинг, ҳам раҳбарнинг фикрлари ўзаро мос келишини ва ташкилотда ижро сифати янада кўтарилишини таъминлайди.

Жўрабек МУРОДОВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ | «ТЕЗ ПУЛ ЎТКАЗИШ» хизмати | Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг! | Тел: 237-21-93; 237-16-24 Сайт: www.pochta.uz; e-mail: oao@post.uz

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

РАҚАМЛИ ТЕЛЕВИДЕНИЕ

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда Миллий матбуот маркази ҳамкорлигида "Ўзбекистонда рақамли телевидениени жорий этиш ҳолати ва истиқболлари" мавзуида навбатдаги матбуот анжумани ўтказилди.

Республика аҳолисига ҳар жиҳатдан сифатли теледастурлар тақдим этиш мақсадида 2015 йилга қадар рақамли телевидениега ўтиш мўлжалланган. Улардан 7 таси мамлакат ва 5 таси хорижий дастурлардир.

Республика Президенти Вазирлар Маҳкамаси мажлисида 2015 йилгача бутун республика ҳудудида рақамли телевидениега ўтиш муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади. Бу вазифани Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги режа асосида ва босқичма-босқич амалга оширади.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси томонидан киритилган HDTV форматидаги ерусти узатиш телеканали – "Uz.HD" фойдаланишга топширилди. Ҳозир HDTV форматидаги 4 та чет эл канали трансляцияси амалга оширилмоқда.

Юқори сифатли телевидение бу тасвирни замонавий стандартлар асосида қайта ишловчи, стандарт телевидение тасвир ҳажмини сезиларли даражада оширувчи, ранг ва товушни кодлаш бўйича энг янги рақамли стандартлардан фойдаланувчи, юқори сифатли телевидение стандартлари тўпламидир.

Юлдузхон МУҲИДДИНОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

МАРКАЗИЙ ОСИЁНИНГ ЯНГИ ЖАҲОН ТАРТИБОТИДАГИ ЎРНИ

XX асрнинг охири ва XXI асрнинг бошларида жаҳон сиёсатида юз берган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва ҳарбий ўзгаришлар натижасида халқаро муносабатлар тизимидаги вазият ҳам тубдан ўзгарди. Бу эса икки қутбли дунёнинг тугатилиши, "совуқ уруш"нинг барҳам топиши, мафкуравий қарама-қаршиликнинг парчаланиши ҳамда дунёда янги мустақил давлатлар вужудга келиши билан боғлиқ. Натижада, халқаро муносабатлар тизимида замонавий жаҳон тартиботининг шаклланиш жараёни бошланди.

Янги жаҳон тартиботининг пайдо бўлишида давлатларнинг иқтисодий-халқаро алоқаларига турли тарздаги минтақавий жараёнларнинг таъсир кўрсатаётгани, яъни "геоиқтисодий" омилнинг кенгайиб бораётгани муҳим ўрин тутмоқда. Давлатлар бирлашувининг ўсиши ва ташқи иқтисодий фаолиятда хусусий бизнес ҳиссасининг ортиши дунё иқтисодиётига "ноҳарбий воситалар"нинг кириб келишига имкон яратмоқда. Хорижга капитал киритиш, дунё бозорида товар ва хизматлар операцияларини ўтказиш, илмий-тадқиқотлардаги ҳамкорлик кабилар шулар жумласидандир.

Шу нуқтаи назардан Марказий Осиё минтақаси ўзининг геосиёсий, геоиқтисодий ва геостратегик аҳамиятига кўра дунёнинг муҳим ҳудуди сифатида эътироф этилади. Бунда геостратегик шароит ва табиий ресурслар минтақанинг оламшумул геоиқтисодий ва геосиёсий аҳамиятини намоён қилади.

Маълумки, Марказий Осиё Евроосиёнинг бир нечта катта давлатларига географик жиҳатдан яқин жойлашгани учун стратегик аҳамиятга эга. Шу боис, Марказий Осиё ташқи кучлар учун талаш объекти бўлиб, кўп марта бўлинган, қўшиб олинган, халқаро сиёсат майдонидан ғойиб бўлган ва яна вужудга келган. Собиқ Совет Иттифоқининг парчаланиб кетиши Марказий Осиёда мутлақо янги геосиёсий вазиятни юзага келтирди. Марказий Осиё мамлакатлари мустақиллигининг дастлабки босқичида кўпгина сиёсатшунослар минтақада ўз таъсирини ўрнатиш учун геосиёсий рақобат асосан Туркия ва Эрон ўртасида бўлишини тахмин қилган эди.

Жаҳонда Хитой мавқеи мустаҳкамланиши билан унга Марказий Осиёдаги мавқеи ва таъсири баланд куч сифатида қарала бошланди. Глобал марказлар минтақанинг муҳимлигини қайд этган ҳолда, амалда бу ерда рўй бераётган жараёнларга унча аралашмади. 2001 йил 11 сентябрдан сўнг вазият бутунлай ўзгарди. Марказий Осиё халқаро терроризмга қарши кураш истеҳкомига айланди.

Қўшни Афғонистондаги антитеррористик операциянинг дастлабки босқичида Марказий Осиё ўз тарихида биринчи марта рақобат объектига эмас, балки узоқ муддатли ҳамкорлик майдонига айланди. Терроризмга қарши уруш чўзилгани сари айрим мамлакатларнинг манфаатлари ўртасида зиддиятлар намоён бўла бошлади. Улар Марказий Осиёда ўз таъсирини ўрнатиш учун ўзаро кураш олиб бораётгани аён бўлиб қолди.

Бу курашга олдингидан анча кўпроқ давлатлар қўшилганки, қарама-қаршиликнинг мураккаб, кўп йўналишли шакл-шамойилини намоён этади. Бунда ўхшаш ёндашувли мамлакатлар гуруҳлари, масалан, АҚШ ва Европа Иттифоқи бир томондан ва Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти давлатлари иккинчи томондан кузатилмоқда. Бу Марказий Осиё теварагида блоклар қарама-қаршилиги вужудга келишига замин ҳозирлайдики, бу минтақа учун жуда хавфлидир. Минтақа ўз тарихида биринчи марта ҳар хил мўлжалли мамлакатларнинг ҳарбий кучлари бир-биридан хавфли яқинликда жойлашган зонага айланди.

Марказий Осиёдаги иштирокчилар орасида ўта тажовузкор кучлар – диний радикализм, халқаро терроризм ва наркобизнес пайдо бўлди. Бу кучлар аниқ кун тартиби, тармоқланган ташкилий тузилмага ва унчамунча давлат беллаша олмайдиган қудратли молиявий салоҳиятга эга. Улар Марказий Осиёдаги жараёнларда иштирок этаётган давлатлар орасида зиддият мумкин қадар кучайишидан манфаатдордирлар.

Геоиқтисодий манфаатлар Марказий Осиё теварагидаги рақобатнинг муҳим йўналишига айланди. Энергетика, транспорт инфратузилмаси соҳасидаги минтақавий лойиҳаларнинг амалга оширилиши ёки аксинча, муваффақиятсизликка учраши йирик давлатлар тақдирига ва жаҳон иқтисодиёти ривожига катта таъсир кўрсатиши мумкин.

Ҳозирги даврда Марказий Осиёдан ўз иқтисодий манфаатларини қидираётган ташқи кучлар турли усуллар билан бу ердаги давлатлар суверенитетига таҳдид солаётгани ҳеч кимга сир эмас. Улар бу билан нафақат ёқилғи захираларига эгалик қилиш, балки Евроосиёнинг маркази бўлган "Ер юраги"ни забт этишни ҳам мақсад қилган.

Кўриниб турибдики, бугунги кунда жаҳон сиёсати ҳамда халқаро муносабатлардаги вазият ўзгарувчанлиги билан ажралиб туради. Бу жараёнда ҳар бир давлат ўз миллий манфаатлари устуворлигини сақлаб қолган ҳолда минтақавий ҳамда халқаро манфаатлар билан ҳамкорлик олиб бориши ўта муҳимдир. Бу вазифа эса, ўз навбатида, давлатлардан халқаро ташкилотлар доирасида ўзаро ишонч ва ҳурмат тамойилларига асосланган ташқи сиёсат олиб боришни талаб қилади.

Юнусхон ЁҚУБХОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси.

ЭЛЕКТРОН ҲИСОБОТ – ЭНГ МАҚБУЛ УСУЛ

Маълумки, яқин пайтларга қадар мамлакатимизда фаолият юритаётган хўжалик субъектлари ҳар чорак, олти ой ёки йил якунлари бўйича ҳисоботларни ҳудудий солиқ инспекцияларига тақдим этиш учун узоқ вақт овора бўлишларига тўғри келарди. Чунки, деярли барча корхона ҳисобчилари молиявий, солиқ ҳисоботларини бир пайтнинг ўзида топшириши белгиланган эди.

Бунинг устига ҳисоботни қабул қилиб олувчи инспектор ҳужжатдан бирор камчилик топса, ҳисобчи уни тузатиш учун яна овора бўларди. Бу эса ҳисобчиларнинг ортиқча асаббузарлигига, вақтларининг беҳуда совурилишига олиб келарди.

Мамлакатимиз Президентининг 2011 йил 24 августдаги "Хўжалик юритувчи субъектларнинг солиқ ҳисоботларини 2014 йилга қадар босқичма-босқич электрон кўринишда тақдим этиш тўғрисида"ги фармойиши юқорида тилга олинган ортиқча оворагарчиликларга бутунлай барҳам берди. Айни пайтда республикамизнинг деярли барча ҳудудларида мазкур фармойишнинг ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

– Ушбу фармойишнинг қабул қилиниши биз учун кенг имкониятлар эшигини очди, – дейди "Гулхан" хусусий ишлаб чиқариш корхонаси бош ҳисобчиси Рустам Воҳидов. – Энди аввалгидек солиқ идораси олдида ҳисобот топшириш учун узундан-узун навбат кутишимизга ҳожат қолмади. Ҳисоботни электрон кўринишда солиқ инспекциясига жўнатамиз. Мабодо унда бирор камчилик бўлса, ишхонамизнинг ўзида тузатиб, қайта жўнатиш имконияти бор. Бу эса нафақат вақтимизни, балки ортиқча харажатларни тежаш имкониятини бермоқда.

Дарҳақиқат, мазкур ҳужжатнинг аҳамияти тўғрисидаги илиқ гапларни бугунги кунда ҳар бир корхона раҳбари ва ҳисобчидан ҳам эшитиш мумкин.

– Мазкур тартибнинг афзаллиги ҳақида корхона, ташкилот, тадбиркорлик субъектлари ўртасида мунтазам давра суҳбатлари ва семинарлар ташкил этилмоқда, – дейди Янгийўл тумани Давлат солиқ инспекциясининг камерал назорат шўъбаси бошлиғи Азамат Амреев. – Натижада, ҳудудимизда фаолият кўрсатаётган 2065 та хўжалик юритувчи субъектнинг қарийб 80 фоизидан электрон кўринишдаги солиқ ҳисоботларини қабул қилдик.

Камолиддин АСҚАРОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш қўмитасида Германия Федератив Республикаси Молия вазирлиги ва "Индекон Консалтинг" компанияси вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди.

ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

Учрашув Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш қўмитаси ҳамда "Индекон Консалтинг" компанияси билан ҳамкорликда тузилган "Давлат мулкини бошқариш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳамда ишлаб чиқилган стратегик меъёрий ҳужжатлар таҳлилига бағишланди.

Мазкур ҳужжатлар ижросини таъминлаш юзасидан Германиянинг "Индекон Консалтинг" компаниясини жалб қилган ҳолда давлат активларини бошқариш, корпоратив бошқарув тизимини қўллашда халқаро тажрибаларни ўрганиш борасида қатор ишлар амалга оширилди.

Учрашувда ҳужжатларни тайёрлаш бўйича шу кунгача амалга оширилган ишлар ва келгусидаги ҳамкорлик режалари тўғрисида музокаралар олиб борилди. Шунингдек, тадбирда темир йўл соҳасини ислоҳ қилиш йўналишлари, бу борадаги стратегик объектларни бошқариш бўйича Германия тажрибасини ўрганиш мавзуларига эътибор қаратилди.

"Туркистон-пресс".

САЛОМАТЛИК ТАНЛОВИ

Истиқлол йилларида фуқароларнинг тиббий маданиятини ошириш, репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш, она ва бола соғлигини муҳофаза қилиш, жисмонан ва маънан етук авлодни тарбиялаш давлатимиз сиёсатининг бош мақсадига айланди. Айниқса, сўнгги йилларда соғлиқни сақлаш тизимида мисли кўрилмаган ўзгаришлар рўй берди.

Тизимни ислоҳ қилиш, аҳолига қулайлик яратиш мақсадида қатор қонунлар қабул қилиниб, ҳаётга татбиқ этилаётгани қувонарли. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги, "2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънан баркамол авлодни вояга етказиш ишларини янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги Қарорлари асосида жойларда айтишга арзигулик ишлар амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, тизим фаолиятини рағбатлантириш мақсадида турли грантлар ажратилмоқда.

Ибн Сино халқаро жамоат фонди вилоят бўлими "Аҳолининг турли ижтимоий ва ёши бўйича гуруҳлар орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш" номли лойиҳаси учун ана шундай давлат гранти ажратди. Жамғарма ушбу лойиҳа асосида Саломатлик ва тиббий статистика институти вилоят филиали билан ҳамкорликда вилоятимиз шаҳар, туманларида турли тадбирлар, давра суҳбатлари, семинар-тренинглар уюштирмоқда.

"Соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантириш, репродуктив саломатлик, эрта турмуш қуришнинг салбий оқибатлари" мавзусидаги семинар-тренинглар Паркент, Чиноз, Оққўрғон туманидаги касб-ҳунар коллежларида ўтказилди. Тадбирларда маҳалла фаоллари, коллеж раҳбарияти ва отаоналар иштирок этди. Ўқувчилар мавзуга тааллуқли саволларига атрофлича жавоб олдилар.

Семинар-тренинглар натижасини билиш мақсадида иштирок этган туман ёшлари ўртасида якуний кўрик-танлов бўлиб ўтди. Улар тўртта шарт бўйича билимларини намойиш этдилар.

Танлов ғолибларига Ибн Сино жамоат фонди ҳамда Саломатлик ва тиббий статистика институти вилоят филиалининг фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

Фарида КОМИЛОВА,
Саломатлик ва тиббий статистика институти вилоят филиали мутахассиси.

"MALAKALI RIELTOR SERVIS" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Тошкент вилояти, Зангиота туманида жойлашган "Гулчехра-Файз-Барака" фермер хўжалигига қарашли, бошланғич баҳоси – 39 716 530,0 сўм бўлган 18.8 Га ер майдонидаги 22840 дона "Тоипи" навли 27 ёшли узум кўчатлари ва 216650 метр сим, узунлиги 3 метр бўлган 9536 дона темир-бетон устунлари ҳамда 0.5 Га ер майдонида жойлашган 100 дона 3 йиллик олхўри дарахтларидан ташкил топган кўчмас мулк объекти қўйилмоқда.

Аукцион савдоси 2012 йил 22 май соат 15.00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 19-уй, 2-қават, 11-хонада ўтказилади. Ушбу кунда сотилмай қолган объектнинг такрорий савдоси 2012 йил 29 май куни соат 15.00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагини билдирган шахслар "Закалат пули тўғрисидаги келишув"ни имзолагандан сўнг, объект учун бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини "MALAKALI RIELTOR SERVIS" МЧЖнинг ЎзСКБ Тошкент шаҳар ҳудудий ф-лидаги 20208000004802102001 ҳисоб рақамига, МФО 00424, СТИР 301326099, ХХТУТ 83400 га тўлашлари лозим.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни топшириши керак: аукционда иштирок этиш учун икки нусхадаги буюртманома; закалат пули тўғрисида келишув; закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати; юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисида гувоҳноманинг нусхаси, Таъсис ҳужжатларининг нусхалари (устав, таъсис шартномаси, гувоҳнома), хорижий сармоядорлар – ҳуқуқий шахслар учун Ўзбекистон Элчихонаси ёки улар вакил бўлган давлатнинг Ўзбекистондаги Элчихонаси тасдиқлаган таъсис ҳужжатларининг нусхалари (нотариал тасдиқланган ҳолда), таъсисчиларнинг аукционда иштирок этиши бўйича қарори, раҳбарнинг тегишли буйруғи; шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома.

Мазкур ҳужжатлар хабарнома чоп этилган кундан бошлаб, жамиятнинг расмий иш кунида соат 9.00 дан 16.00 гача, 100060, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 19-уй, 2-қават, 11-хонада қабул қилинади ва савдо бошланишидан 1 (бир) кун олдин соат 16.00 да тўхтатилади.

Қўшимча маълумотларни 144-21-24 телефон рақами орқали олишингиз мумкин.

Лицензия RR – 0016.

«KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Такроран аукцион савдосига қуйидаги мулклар қўйилмоқда: I. Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан Учтепа туманлараро судининг 11.06.2009 йилги, Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 17.08.2010 йилги, фуқаролик ишлари бўйича Яккасарой туманлараро судининг 28.08.2010 йилги ижро варақаларига асосан, "Сортсем Сервис" ХФга қарашли бўлган Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 22-уй, умумий майдони 227,0 кв.м., уч қаватли бинонинг яримертўла қисми бўлган "Каҳвахона", бошланғич нархи – 151 102 000 сўм. II. Сергели тумани СИБ томонидан 17.02.2011 йилдаги № 5636-37/20-сон ижро ҳужжатига асосан, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Спутник-4 мавзеси, Қора йўл кўчасида жойлашган, майдони 72,0 кв.м. бўлган дўкон биноси, бошланғич нархи – 56 172 000 сўм.

Аукцион савдолари 2012 йилнинг 11 май куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади. Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO" МЧЖнинг АТИБ "Ипотека банк" Шайхонтоҳур филиалидаги 20208000104931635001 ҳисоб рақами, МФО 00425, СТИР 207128747, ОКОНХ 83400 га тўлашлари шарт.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш расмий иш кунлари соат 9.30 дан 18.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимошди савдоси ўтказилишига бир иш куни қолганда соат 18.00 да тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61.

Лицензия: № 0039.

«KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Қибрай туман СИБ томонидан, Тошкент вилоят хўжалик судининг 2012 йил 6 январдаги 11-1128/9426-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Май қ.ф.й.да жойлашган, бино ва иншоотлари, умумий майдони 930,0 кв.м.дан иборат, учта яшаш хонаси, хизматчи хона ва омборхонадан иборат бино ва иншоотлар қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 300 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 24 май куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 22 май куни соат 18.00.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "КМСХ" МЧЖнинг "Ипак йўли банки" ОАИТБ Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО 01036, ИНН 207122519. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А уй. Тел.: 228-79-52. Расмий сайтимиз: www.1kms.uz. Лицензия: RR-0001.

«KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Такроран аукцион савдосига Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан 14.06.2011 йилдаги №10155/12-сонли ижро ҳужжатига асосан, бошланғич нархи – 31 556 000 сўм булган, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, С. Дарбоза кўчаси, 202/2-уй, умум. фойдаланиш майдони 45,24 кв.м., яшаш майдони 29,13 кв.м., 2 хонадан иборат бўлган 9-хонадон (тураржой) қўйилмоқда.

Аукцион савдолари 2012 йилнинг 11 май куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади. Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 50 фоизи миқдоридаги закалат пулини "KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO" МЧЖнинг АТИБ "Ипотека банк" Шайхонтоҳур филиалидаги 20208000104931635001 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт, МФО 00425, СТИР 207128747, ОКОНХ 83400.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш расмий иш кунлари соат 9.30 дан 18.00 гача кабул килинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимошди савдоси ўтказилишига бир кун қолганда соат 18.00 да тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61.

Лицензия: № 0039.

"Кўп тармоқли ихтисослаштирилган аукцион савдо" МЧЖ (КТИАС) аукцион савдоларини ташкил қилиш корхонаси томонидан баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Бектемир тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот маркази далилий ашёларни сақлаш омборхонасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. 20.02.2012 йилдаги №1-74-сон ижро ҳужжат. асосан, 1980 йилда и/чиқ., дав.бел. 01 N 054 КА бўлган "Ваз 21011" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 3 867 860 сўм 2. 23.06.2012 йилдаги №1-435-сон ижро ҳужжат. асосан, 2007 йилда и/чиқ., дав.бел. 01 W 561 АА бўлган "Матиз" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 9 221 542 сўм.

Аукцион савдолари 2012 йилнинг 24 май куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кучаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада ўтказилади. Юқорида кўрсатилган автотранспорт воситалари 24 майдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2012 йилнинг 14 июнь куни бўлиб ўтади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, КТИАСнинг ҳисоб рақамига 20208000904929477001, АТИБ "Ипотека банк" Шайхонтоҳур филиали, МФО 00425, ИНН 302074183, ОКОНХ 83200 га тўлашлари шарт.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш расмий иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимошди савдоси ўтказилишига бир иш куни қолганда тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй. Телефон: 249-54-59.

"KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдосига Қибрай туман СИБ томонидан, Тошкент вилоят хўжалик судининг 2012 йил 6 январдаги 11-1128/9426-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Май қ.ф.й.да жойлашган, бино ва иншоотлари, умумий майдони 930,0 кв.м.дан иборат, учта яшаш хонаси, хизматчи хона ва омборхонадан иборат бино ва иншоотлар қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 300 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 24 май куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 22 май куни соат 18.00.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "КМСХ" МЧЖнинг "Ипак йўли банки" ОАИТБ Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО 01036, ИНН 207122519. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А уй. Тел.: 228-79-52. Расмий сайтимиз: www.1kms.uz. Лицензия: RR-0001.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ | Барча турдаги коммунал тўловларини қабул қилади | Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг! | Тел: 233-57-47 Сайт: www.pochta.uz; e-mail: oao@post.uz

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими Марказининг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2005 йил 24 мартдаги 04/ҚҚ-сонли, 01-76-сонли ва 01/1184-сонли қўшма қарори билан тасдиқланган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 28 март куни 1461-сонли давлат рўйхатидан ўтган "Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида раҳбар ва ўқитувчининг бўш лавозимларини эгаллаш учун уларни танлов асосида танлаб олиш тўғрисидаги Низом" асосида қуйидаги таълим муассасаларининг вакант (бўш) бўлган директор ўринбосарлари лавозимларига танлов эълон қилади:

Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосарлари	Маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари	Ишлаб чиқариш таълими бўйича директор ўринбосари	Маъмурий-хўжалик ишлари бўйича директор ўринбосари
Янгийўл тумани иқтисодиёт ва сервис к/ҳ коллежи	Зангиота тумани ижтимоий-иқтисодиёт коллежи	Зангиота тумани ижтимоий-иқтисодиёт коллежи	Қибрай тумани молия иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи
Юқори Чирчиқ тумани транспорт ва иқтисодиёт к/ҳ коллежи	Ўрта Чирчиқ тумани педагогика ва хизмат кўрсатиш к/ҳ коллежи	Бўстонлиқ тумани қурилиш ва коммунал хўжалик к/ҳ коллежи	Қуйи Чирчиқ тумани қурилиш ва уй-жой хўжалиги к/ҳ коллежи
Паркент тумани педагогика ва иқтисодиёт к/ҳ коллежи	Бўстонлиқ тумани қурилиш ва уй коммунал хўжалик к/ҳ коллежи	Янгийўл хизмат кўрсатиш к/ҳ коллежи	Бўстонлиқ тумани қурилиш ва коммунал хўжалик к/ҳ коллежи
Зангиота тумани қурилиш ва уй жой коммунал хўжалиги к/ҳ коллежи	Оққўрғон тумани қурилиш ва коммунал хужалик к/ҳ коллежи	Оҳангарон тумани маиший хизмат к/ҳ коллежи	Бўка тумани Бўстон қишлоқ хўжалик к/ҳ коллежи
Бекобод шаҳар қурилиш ва коммунал хўжалиги к/ҳ коллежи	Оҳангарон тумани агросаноат ва иқтисодиёт к/ҳ коллежи	Чирчиқ техника к/ҳ коллежи	Зангиота тумани ижтимоий-иқтисодиёт к/ҳ коллежи
Бўстонлиқ тумани туризм ва сервис к/ҳ коллежи	Зангиота тумани агросаноат к/ҳ коллежи	Олмалиқ шаҳар кон-металлургия к/ҳ коллежи	Бўстонлиқ Товоқсой к/ҳ коллежи
Зангиота тумани ижтимоий-иқтисодиёт к/ҳ коллежи	Зангиота тумани озиқ-овқат к/ҳ коллежи	Зангиота тумани агросаноат к/ҳ коллежи	Бўстонлиқ қурилиш ва коммунал хўжалик касб-ҳунар коллежи
Пискент тумани маиший хизмат кўрсатиш к/ҳ коллежи	Зангиота тумани қурилиш ва тадбиркорлик к/ҳ коллежи	Бўстонлиқ тумани ўрмончилик ва сервис к/ҳ коллежи	Оққўрғон тумани ижтимоий-иқтисодиёт к/ҳ коллежи
Оҳангарон тумани "Нуробод" энергетика ва иқтисодиёт к/ҳ коллежи	Қибрай тумани Чингелди маиший хизмат к/ҳ коллежи	Оққўрғон тумани ижтимоий-иқтисодиёт ва хизмат кўрсатиш к/ҳ коллежи	Ангрен кўмир саноат к/ҳ коллежи
Янгийўл тумани Гулбаҳор саноат к/ҳ коллежи	Ўрта Чирчиқ тумани ижтимоий иқтисодиёт к/ҳ коллежи	Чирчиқ тумани қурилиш ва уй жой коммунал хўжалиги к/ҳ коллежи	Қибрай энергетика к/ҳ коллежи
Зангиота тумани маиший хизмат ва тадбиркорлик к/ҳ коллежи	Бекобод саноат к/ҳ коллежи	Оҳангарон тумани агроиқтисодиёт к/ҳ коллежи	Ўрта Чирчиқ тумани қурилиш иқтисодиёт к/ҳ коллежи
Қуйи Чирчиқ тумани ижтимоий-иқтисодиёт к/ҳ коллежи	Қибрай тумани молия иқтисодиёт к/ҳ коллежи	Оҳангарон тумани саноат к/ҳ коллежи	Оҳангарон тумани "Нуробод" энергетика ва иқтисодиёт к/ҳ коллежи
Чирчиқ саноат к/ҳ коллежи	Пискент тумани қурилиш ва миллий ҳунармандчилик к/ҳ коллежи	Оҳангарон тумани "Нуробод" энергетика ва ва иқтисодиёт к/ҳ коллежи	Олмалиқ академик лицей
Бекобод техника-иқтисодиёт к/ҳ коллежи	Чирчиқ тумани ахборот технологиялари ва хизмат кўрсатиш к/ҳ коллежи	Янгийўл тумани иқтисодиёт ва сервис к/ҳ коллежи	Қуйи Чирчиқ тумани агроиқтисодиёт к/ҳ коллежи
Чиноз агросаноат ва тадбиркорлик к/ҳ коллежи	Ангрен кўмир саноат к/ҳ коллежи	Бўстонлиқ тумани қишлоқ хўжалиги ва тадбиркорлик к/ҳ коллежи	Оққўрғон тумани агробизнес ва сервис к/ҳ коллежи
Чиноз қурилиш ва иқтисодиёт к/ҳ коллежи		Бўстонлиқ тумани Товоқсой иқтисодиёт ва тадбиркорлик к/ҳ коллежи	Қибрай тумани Чингелди маиший хизмат к/ҳ коллежи
Зангиота тумани агросаноат к/ҳ коллежи		Бўстонлиқ тумани Товоқсой иқтисодиёт ва тадбиркорлик к/ҳ коллежи	Ўрта Чирчиқ ахборот технологиялари ва сервис к/ҳ коллежи
Ўрта Чирчиқ тумани ижтимоий-иқтисодиёт к/ҳ коллежи		Олмалиқ саноат к/ҳ коллежи	Олмалиқ кон-металлургия к/ҳ коллежи
Ўрта Чирчиқ тумани агросаноат ва транспорт к/ҳ коллежи		Ангрен кўмир саноат к/ҳ коллежи	Олмалиқ қурилиш ва уй жой коммунал хўжалиги к/ҳ коллежи
Бўстонлиқ тумани қишлоқ хўжалиги ва тадбиркорлик к/ҳ коллежи			Юқори Чирчиқ тумани Қурилиш ва сервис к/ҳ коллежи
Бўстонлиқ тумани Товоқсой иқтисодиёт ва тадбиркорлик к/ҳ коллежи			Янгийўл тумани Гулбаҳор саноат к/ҳ коллежи
Қибрай тумани к/ҳ коллежи			Олмалиқ шаҳар саноат к/ҳ коллежи
Чирчиқ саноат к/ҳ коллежи			Бўстонлиқ тумани Газалкент хизмат кўрсатиш к/ҳ коллежи
Қибрай молия-иқтисодиёт касб ҳунар коллежи			
Чиноз "Олмазор" қишлоқ хўжалиги к/ҳ коллежи			
Қибрай тумани Молия-иқтисодиёт к/ҳ коллежи			

Танловда иштирок этувчи номзодлар:

а) ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари лавозимига академик лицей, касб-ҳунар коллежининг таълим йўналишларидан камида биттаси ёки умумтаълим фанлари бўйича олий маълумот (маданият, спорт ҳамда тиббиёт соҳаси бундан мустасно)ли ва таълим тизимидаги (педагогик, ўқув-тарбиявий, ўқув-услубий бошқарув фаолияти) иш стажи 5 йилдан кам эмас;

б) маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари лавозимига ижтимоий фанлар бўйича ёки педагогик олий маълумот ва таълим тизимидаги (педагогик, ўқув-тарбиявий, ўқув-услубий бошқарув фаолияти) иш стажи 3 йилдан кам эмас;

в) ишлаб чиқариш таълими бўйича директор ўринбосари лавозимига касб-ҳунар коллежининг билим соҳасига оид махсус фанлардан бири бўйича олий маълумот ва 3 йилдан кам бўлмаган педагогик иш стажига эга бўлган номзодлар иштирок этишлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг 2008 йил 13 декабрдаги 62, 46/ҚҚ, 1-383К/Қ-сонли қарори билан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган, 2008 йил 13 декабрда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1845-1-сон билан рўйхатга олинган "Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ходимлари асосий лавозимларининг малака талабларини қўллаш бўйича йўриқнома" малакавий талабларига мос бўлиши керак.

Танловда иштирок этиш ҳоҳишини билдирган номзодлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

